

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
СЕНАТИ АЪЗОСИ Н.КАИМОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Носиржон Закиржанович Каимовнинг халқ депутатлари Тўрақўрғон тумани Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 декабрь,
№ 795.*